

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fn 70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА НИЛУФАР АБДУРАҲМОНОВНА

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АНТРОПОНИМИЯСИНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/ФН686** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетидеда бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жабборов Хўжамурод филология фанлари доктори, доцент
Расмий олопоентлар:	Умуркулов Бекқўлат филология фанлари доктори, доцент Қиличев Байрамали Эргашевич филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.ФН.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 4-октябр соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кўчаси 17.). (Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети биноси, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кўчаси 17.Тел.(0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “02 октябр” кунга тарқатилди (2021 йил “02 октябр” даги 13 рақамли реестр баённомаси).



И.Н. Шодмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор.

Г.Н. Тожиёва
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

Б. Умуркулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшмадаги илмий семинар раиси Уринбосари, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида тарихий манбалар саҳифаларида муҳрланиб қолган ономастик ва антропонимик бирликларни миллий ва маданий, тарихий ва замонавий, ижтимоий ва маънавий хусусиятларини антропоцентриқ нуқтаи назардан очиб беришга эътибор қаратилмоқда. Уларда тарихий ономастика, тарихий антропонимика, тарихий антропонимия, тарихий антропоним, тарихий матннинг ономастик кўлами, антропонимларнинг луғавий қатламлари ва лексик-семантик, этимологик хусусиятлари каби муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, ономастик ва антропонимик бирликларнинг социолингвистик, лингвокультурологик, лингвопозитик омилларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тилшунослигида инсоният – шахс, одам, инсон, киши – эркак, аёл ва улар исмларининг мавжудлиги ифодаси, тарихий манбаларда зикр этилган шахс номлари, уларнинг тил ва нутқда яшаш омилни аниқлашда антропонимларнинг коммуникатив имкониятлари когнитив тилшунослик, лисоний маданиятшунослик сингари йўналишлар учун тадқиқот объекти сифатида қаралмоқда. Бу борада, тарихий антропонимия тизимининг тадқиқи асосида инсон тафаккур тарзи такомиллини кўрсатиб бериш, тарихда ном ва шахс муносабати, уларнинг тилда инъикоси масалаларини ижтимоий омиллар билан боғлиқликда илмий асослашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек ономастикаси, хусусан, ўзбек тили антропонимикасида антропонимлар, тахаллуслар, лақабларнинг умумназарий ва амалий масалаларига доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда”¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, тарихий ёзма обидалар тилидаги матнларда сақланиб қолган антропоним материалларини синчиклаб текшириш, “Темурнома” матнида қўлланган антропонимик бирликларнинг лексик-семантик жиҳатдан таҳлил этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сийбегини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори // “Маърифат” газетаси. – Тошкент, 2019 йил 5 октябр. – №77.

2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида тарихий антропонимия тизимини ўрганиш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тарихий антропонимия тизимининг тадқиқи асосида инсон тафаккур тарзи такомиллини кўрсатиб бериш; муайян тилдаги тарихий антропонимик бирликларнинг бошқа тиллардаги тарихий антропонимлардан ўхшаш ва фарқли хусусиятларини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш; тарихда ном ва шахс муносабати, уларнинг тилдаги индикоси масалаларини ижтимоий омиллар билан боғлиқликда очиб бериш, антропонимик номинациянинг экстралингвистик омиллари, антропонимик бирликларнинг лингвомаданий ва типологик тадқиқи, ҳамда антропонимик бирликларнинг бадиий-тарихий матнлардаги лингвопоэтик хусусиятларидир.

Жаҳон тилшунослиги², туркийшунослик³, ўзбек тилшунослиги⁴да ономастик бирликлар, хусусан, тарихий ва ҳозирги антропонимик бирликларнинг

² Леонович О. В мире английских имен. – М.: Астрель: АСТ, 2002. – 223 с.; Никонова В.А., Суперанская А.В. Антропонимика. – М.: «Наука», 1970. – 330 с.; Джарилгасинова Р.Ш., Крюков М.В. Системы личных имен у народов мира. Сост. – М.: «Наука», 1989. – 386 с.; Горбаневские М.В. В мире имен и названий. – М.: «Знание», 1983. – 190 с.; Никонов В. Имя и общества. – М.: Наука, 1974. – 278 с.

³ Махфилов В. Древнетюркская ономастика. Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Алма-ата, 1998. – 50 с. Джанузак Т. История казахских имен. – Алма-ата: Наука, 1971. – 215 с.; Очерк казахской ономастики. – Алма-ата: Наука, 1982. – 176 с.; Досжанов Б. Древние антропонимы в казахском языке. – Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Астана, 2001. – 26 с.; Джанузак Т. Лично-собственные имена в казахском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1960. – С. 19; Чобанов М.Н. Основы азербайджанской антропонимии: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Баку, 1992. – С. 28; Эльев Н. Умумий антропонимика проблемлари. – Баку, 1985. Саттаров Г.Ф. Татар антропонимикасы. – Казань: КазДУ нэшрияты, 1990. – 278 с.

⁴ Бегматов Э.А.: Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 28 с.; Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – 263 б.; Исломнинг сирли олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 176 б.; Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 1998. – 604 б.; Дадабев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв., – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2014. – 230 б.; Ўзбек антропонимлари тарихи. Наврўз, 2014. – 230 б.; Саггоров Ғ. Ўзбек исмларининг туркий қатлами: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1990. – 21 б.; Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.; Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 23 б.; Худойназаров И. Антропонимларнинг тил луғат тизимидати ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.; Кежоқева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва таъсифи: Фил. фан. бўйича фалсафа доктори авторефати. – Қарши, 2019. – 49 б.; Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва таъсифи. – Қарши: Фан ва таълим, 2020. – 190 б.

лексик-семантик ва услубий, мотивацион-номинацион, қиссий-тарихий, тарихий-этимологик, луғавий қатламлари тадқиқ этилган га луғатлар тузилган.

Бугунги кунда Ўзбек тилшунослигида тарихий ономастика ва антропонимия масалалари Ш.Ёқубовнинг “Навоий асарлари ономастикаси”, тарихий антропонимия, яъни Ўзбек ёзма адабий ёдгорликларидаги антропонимлар бўйича Н.Хусановларнинг тадқиқотлари мавжуд. Э. Бегматовнинг маълумотича, Н.Хусановнинг XV аср Ўзбек ёзма адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган докторлик диссертацияси ва бир қатор мақолалари, ҳозирча Ўзбек тарихий антропонимиясига бағишланган ягона тадқиқот булиб турибди⁵.

Н. Хусановнинг таъкидлашича, Амир Темур ҳақида юзлаб асарлар яратилган бўлса-да, у ва унинг авлодлари исмлари етарлича ўрганилмаган⁶. Мустақиллик йилларида тарихий антропонимларни антропоцентрик йўналишда ўрганишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Мана шундай тадқиқотлар сирасига Э. Бегматовнинг “Антропонимлар-антропоцентрик тадқиқ объект⁷”, тадқиқотчи Д.Юлдашевнинг бир қатор мақолалари ва “Атокли отларнинг антропоцентрик тадқиқи”⁸ мавзусидаги докторлик диссертациясини келтириш мумкин. Аммо Темурийлар даври акс этган манбалардаги ономастик бирликлар, хусусан, антропонимлар, тахаллуслар, лақаблар ўрганилмаган. Шу жиҳатдан қараганда, С. Тошкандийнинг “Темурнома” асари матнида қўлланган антропонимик бирликлар: антропоним, тахаллус ва лақабларни лексик-семантик жиҳатдан монографик режада махсус ўрганишни тақазо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ҳозирги ўзбек ономастикасининг долзарб муаммолари” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарида қўлланган антропонимик бирликларни лексик-семантик жиҳатларини очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Темурнома” асари матнида қўлланган антропоним, тахаллус, лақабларни тўплаш, тизимлаштириш, тартибга солиш;

⁵ Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 22

⁶ Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 230 б.; Ўзбек антропонимлари тарихи. Наврўз, 2014. – 130 б.

⁷ Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объект // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013, 3-сон. – Б. 35-39.

⁸ Юлдашев Д. Тарихий антропонимларнинг антропоцентрик тадқиқи // Pm sarchashmalari, 2019. – Б. 39-41; Алишер Навоий асарларидаги айрым антропонимларнинг антропоцентрик тадқиқи // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси, 2019. № 5. – Б. 68-69; Антропонимлар номинация тамойилида узвийлик // Pm sarchashmalari. 2019. №3. – Б. 43-46; Ономастик бирликлар антропоцентрик тадқиқи рақамлар // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси, 2017. №1. – Б. 48-51; Атокли отларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол. фан. ... доктори (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 72 б.

Ўзбек ономастикасида “тарихий антропонимика”, “тарихий антропонимия” ва “тарихий антропоним” тушунчаларини изоҳлаш;

жаҳон ва туркийшуносликда тарихий антропонимик бирликларнинг ўрганилиши тарихини ёритиш;

Ўзбек тарихий антропонимияси муаммоларининг ўрганилиш тарихини шарҳлаш;

“Темурнома” матнида қўлланган антропонимик бирликларнинг лексик-семантик жиҳатдан таснифлаш;

“Темурнома” матнида қўлланган антропонимик бирликларнинг луғавий қатламларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асари ва қиёс учун темурийлар даврига оид бирламчи манбалар ҳисобланган “Зафарнома”лар ва ҳозирги кундаги бадиий-тарихий манбаларда қўлланилган антропонимлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини “Темурнома”да қўлланилган антропонимик бирликларнинг лексик-семантик хусусиятлари ва луғавий қатламлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, тарихий-этимологик, тавсифлаш, луғавий-маъновий таҳлил, лингвистик тавсифлаш, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Темурнома” асари матнида қўлланган 443 та антропонимик бирликлар, шундан 423 та эркаклар, 20 та хотин-қизлар исмлари эканлиги, уларнинг этимологияси асарда қўлланган антропонимларнинг лисоний ва нолисоний омиллари асосида аниқланган;

Ўзбек ономастикасида “тарихий антропонимика”, “тарихий антропонимия” ва “тарихий антропоним” тушунчаларининг қўлланиши ва англаган маъноларига янги изоҳлар берилиши, уларнинг лисоний хусусиятларидан ташқари, қимматли тарихий, этнографик, этикавий ва эстетик, диний-мифологик маълумотларни ҳам мужассам этиши “Темурнома” асаридан йиғилган антропонимлар асосида далилланган;

“Темурнома” асаридаги антропонимлар қайси сулолага мансублигига кўра етти туркумга ажратилиши, исм қўйиш ўша давр аъёналаридан келиб чиққанлиги, бу даврда фарзандларга шарқона, турқона киши исмлари қўйилганлиги темурийлар даври акс этган манбаларда қўлланган антропонимик бирликлар асосида аниқланган;

тахаллуслар тиллар ва халқлар ҳамкорлигини кўрсатувчи лисоний далил эканлиги, Ўзбек халқини форс-тожик ва араблар билан ҳамкорлиги тахаллусларда ҳам акс этиши “Темурнома” матнидаги тахаллусларда арабий сўзлар, форсча сўзлар ва қўшимчалар кўпроқ учраши асарда қўлланган фактик материаллар орқали очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

темурийлар даври манбаларида қўлланган антропонимик бирликлар ва уларнинг ўрганилишида “Темурнома” асарининг ўрни ва лисоний маҳами белгиланган;

асардаги киши исмларининг маънолари аниқланиб, шу асосда “Темурнома” асаридаги антропонимик бирликларнинг изоҳли луғати яратилган;

антропонимик бирликларнинг луғавий қатламлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган антропонимик бирликлар ва материаллар Ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш ва бу борада тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Ўзбек тили тарихий антропонимиясини, Амир Темур сулоласи ва даврдошларининг исмлари ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитиши, ишнинг илмий таҳлили, назарий қараш ва усулларидан бошқа антропонимик бирликларни ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги материаллар, натижа ва хулосалардан “Темурнома”нинг қайта нашрларида “Киши номлар кўрсаткичи”ни тузишда, “Ўзбекистон тарихи”, “Темуршунослик”, “Тарихий грамматика”, “Ўзбек адабий тили тарихи” фанларини ўқитишда, Ўзбек тили тарихий антропонимияси, тарихий лексикологияси буйича дарсликлар, методик қўлланмалар ёзишда, темурийлар даврдошлари исмларининг изоҳли ва энциклопедик луғатларини тузишда, бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларида махсус курс, махсус семинарлар ўтишда манба ва материал вазифасини бажариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Темурийлар даври манбаларида қўлланган антропонимик бирликларнинг лексик-семантик тадқиқ этиш буйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек ономастикасида “тарихий антропонимика”, “тарихий антропонимия” ва “тарихий антропоним” тушунчаларининг қўлланиши ва англаган маъноларини изоҳлаш орқали уларнинг лисоний хусусиятлардан ташқари, қимматли тарихий, этнографик, этикавий ва эстетик, диний-мифологик маълумотларни ҳам мужассам этиши кўрсатиб берилганлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясаллиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 20 майдаги 17.01/104-сон маълумотномаси). Натижада антропонимик бирликларнинг изоҳларини бойитиш, мукаммаллаштириш имконини берган;

“Темурнома” ва темурийлар даври акс этган манбаларда қўлланган антропонимик бирликлар лексик-семантик жиҳатдан тасниф қилиниб, асардаги антропонимлар ўзининг қайси сулолага мансублик хусусиятларига кўра етти гуруҳга ажратилиб, уларнинг сулолавий хусусиятларига кўра таснифи ўша давр ижтимоий-сиёсий, маърифий-маънавий, диний-исломий

ҳаёти билан боғлиқ номлар эканлиги аниқланишига оид хулосаларидан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг “Қашқадарё ахбороти” информациион дастури ва “Мунозара” таҳлилий эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 12 октябрдаги 841-сон маълумотномаси). Натияжада кўрсатув ва эшиттиришлар мазмунининг маърифий ва амалий жиҳатдан бойиш имконини берган;

“Темурнома” асари матнида қўлланган 443 та антропонимик birlikлар шундан 423 та эркаклар, 20 та хотин-қизлар исмлари эканлигини аниқлаш орқали тизимлаштирилган, тартибга солинган, антропонимларнинг этимологияси, уларнинг лисоний ва нолисоний омиллари белгиланиши билан боғлиқ илмий хулосалардан “Темурнома” асаридаги антропонимларнинг изоҳли луғати” (ISBN 978-9943-7704-0-9) номли луғатни нашрга тайёрлашда фойдаланилган. Натияжада асардаги киши исмларнинг маънолари лексик-семантик жиҳатдан аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот маззусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбек тарихий антропонимиясининг назарий асослари ва ўрганилиш тарихи” деб номланади. Боб “Тарихий антропонимика, тарихий антропонимия, тарихий антропоним тушунчалари хусусида”, “Жаҳон ва туркийшуносликда тарихий антропонимиянинг ўрганилиши”, “Ўзбек тилшунослигида тарихий антропонимиянинг ўрганилиши” каби бўлимларни ўз ичига олган.

Жаҳон ва туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳар бир тил луғат таркибининг муҳим қисми ҳисобланган номлар – тарихий ва замонавий ономастик ва антропонимик birlikларга ёндашувда тарихий, лисоний характердаги илмий ишлар устувор бўлиб, тарихий матндаги

ономастик ва антропонимик birlikларнинг антропоцентрик, лексик-семантик, тарихий-этимологик, социолингвистик, лингвокультурологик, лингвопоэтик жиҳатларини очиб бериш долзарб масалалардан ҳисобланади. Тарихий антропонимика, тарихий антропонимия ҳақида сўз борганда, албатта, тарихий ономастика масалаларига ҳам тўхталиб ўтилиши табиий ҳолатдир. Чунки тилшуносликда тарихий антропонимика тарихий ономастика соҳасининг антропонимларни ўрганувчи бўлим эканлиги қайд этилган.

Ономастика ва антропонимика фанларининг раванқ топишида рус тилшунос ва номшунослари: В.А. Никонов, О.С. Ахманова, Н.В. Подольская, А.В. Суперанская, А.К. Матвеев, Б. Унбегаун, Л.М. Городилова, М.Э. Рут, Э.В. Дианова, Д.Э. Розенталь, М.А. Теленкова, Г.А. Леонтьева, В.Д. Бондалетов, В.И. Супрун ва бошқа шу каби тилшуносларининг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ўзбек ономастикаси ва антропонимикасига оид тил birlikларини, яъни бу соҳа терминологиясини тўплаш, тартибга солиш ва лингвистик жиҳатдан ўрганишда, ономастика ва антропонимикага оид илмий терминлардаги хилма хиллик ва нуқсонларни бартараф этиш борасида Э. Бегматов, Х. Дадабоев, Ф. Абдурахмонов, Н. Маҳмудов, Н. Хусанов, Т. Нафасов, Н. Улуқов, Р. Нуриддинова, Я. Авлакулов, Д. Худайберганова, Д. Анданиёзова, С. Кенжаева каби тадқиқотчилар ўзларининг илмий тадқиқот ишлари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Антропонимика хусусида гап борганда кўпгина тадқиқотларда ономастика ҳақида ҳам таъриф ва тавсифлар айтилади. Бу борада тилшунос И. Мирзаевнинг ономастикага берган кенг ва атрофли таърифи эътиборга лойиқ: “Ономастика – миллий кадриятларни аниқ далиллар асосида ўрганувчи, ота-боболар ўтмиши, миллий ва диний қарашлари, биз яшаб турган макон ва замон ҳақидаги чуқур тасаввур берувчи фан, ўзликни англаш қуроли бўлган ўта мураккаб ва кўп тармоқли ҳодиса”⁹ дир. Олимнинг таъкидлашича, бу ономастик ва антропонимик birlikлар ўзида бой маълумотларни сақловчи, халқнинг миллий руҳи, тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳамда адабиёти билан дахлдор жиҳатларни намоён этадиган birlikлардир.

В.Н. Никонов таъкидлаганидек: “Бир-бирдан ажралмас, амалий ва назарий вазифаларнинг мавжудлиги билан антропонимика бахтлидир”¹⁰.

Тарихий антропонимиканинг амалий ва назарий вазифаларининг мавжудлик ҳолатининг ўзиёқ, унга қизиқиш ва уни ўрганишнинг қадимий тарихга эгаллигини кўрсатади. Минг йиллар давомида унга бағишлаб жуда кўплаб асарлар ёзилди. Натияжада антропонимларни ўрганувчи номшуносликнинг алоҳида бир соҳаси антропонимика – киши атоқли отлари, яъни антропонимларнинг пайдо бўлиши, ривож ва вазифавий хусусиятларини ўрганувчи алоҳида бўлими пайдо бўлди.

⁹ Мирзаев И. Ономастика тадқиқотида доир айрим мулоҳазалар // Ономастика. Илмий мақолалар тўплами. 1-қилиши. – Самарқанд, 2013. – Б. 7.

¹⁰ Никонов В.Н. Имя и общества. – М.: Наука, 1974. – С. 259.

XX асрнинг америкалик рухшуноси Дейл Карнеги айтганидек: инсон номи ўзи учун ҳар қандай тилда энг лаззатли ангровчи ва муҳим оҳангдир¹¹. Одиссейнинг 8 ҳикоятида Ҳомер қуйидагича ёзади: Тирик инсонлар орасида сира номсизлари бўлмайди, дунёга келган дақиқасидаёқ ҳар ким хоҳ у машҳур бўлсин, хоҳ у камтарин бир инсон, ота-онасидан энг ёқимли инъом ўрнида ўз исмини қабул қилади¹². Бу фикрлар шундан гувоҳлик берадики, антропонимларга бўлган қизиқиш ва эътибор ҳар қандай даврда кучли бўлган.

Ономастикага бағишланган барча тадқиқотларда, – деб ёзади Э. Бегматов, *антропонимлар* ҳақида ҳам сўз боради. Антропоним – асли грекча сўз бўлиб, аптго – одам + опім, яъни кишиларга берилган атоқли отлардир. Ўзбек тилида бу термин, яъни антропоним ўрнида исм, ном, от, киши исми, одам отлари, киши номлари, шахс номлари каби кўплаб терминлар қўлланилади. Антропоним ҳам ономастиканинг худди топоним ёки зооним каби лисоний бирлиги бўлиб, у ўз ичига аниқ бирликларни олади. Масалан, Н.В.Подольская антропоним термини ҳақида фикр юритар экан, унинг таркибига *исм, ота исм, фамилия, лақаб, тахаллус, криптоним (лақаб, исм, ном), андроним, гинеконим, патроним* киришини қайд қилган.

Антропонимика “Лингвистик қомусий луғат”да қуйидагича изоҳланган: антропонимика (юнонча *anthropos* – одам ва *оупта* – исм) – ономастиканинг бир соҳаси. *Антропоним* – одамларнинг шахсий исмлари, отасининг исмлари (отанинг исмлари ёки бошқа исмлар), фамилиялар, умуман исмлар, тахаллуслар, лақаблар (индивидуал ёки гуруҳ), *криптонимлар* (яширин исмлар). Шунингдек, адабий асарларнинг антропонимлари, фольклор, афсона ва эртакларда қаҳрамонлар номларини ўрғанади. Антропонимика кишиларнинг шахсий исмларни, шунингдек, битта исмнинг турли шакллари ажратади: адабий ва диалектал, расмий ва норасмий. Ҳар бир даврдаги ҳар бир этник гуруҳ ўз антропонимикасига – шахсий исмлар регистрига эга¹³.

Антропонимларнинг жамланмаси умумий тарзда *антропонимия* деб аталади. *Антропоним*, хусусан, шахсий исм бошқа кўплаб тўғри номлардан (онимлардан) объектни индивидуализация қилиш хусусияти билан фарқ қилади: номинация (шахс)нинг ҳар бир объекти ўз номига эга. Исмлар регистри чекланган. Шахсий исмлар такрорланади, бу эса уларни қўшимча исмлар беришга мажбур қилади. Бирор тилдаги антропонимлар мажмуи *антропонимия* (худди топонимия, зоонимия каби) деб юритилади. Масалан, *узбек антропонимияси, қозоқ антропонимияси, татар антропонимияси, озарбойжон антропонимияси* каби. Антропонимларни тадқиқ қилувчи соҳа *антропонимика* деб номланади ва ономастиканинг бу бўлими антропонимларнинг лисоний ва нолисоний хусусиятларини тадқиқ қилади. Антропонимика мутахассиси *антропонимист* (Ўзбекча исмшунос) деб юритилади. Юқорида ономастикон тушунчасини келтирганимиздек, бирор

тилдаги антропонимларнинг йиғиндиси, мавжуд *антроконни* ташкил қилади¹⁴.

Антропонимиканинг асосан икки тури мавжуд. 1. *Назарий антропонимика ва амалий антропонимика*. Назарий антропонимиканинг предмети антропонимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятлари, уларнинг тузилиши, антропонимик тизим, антропонимлар моделлари, маълум бир этник гуруҳ антропонимиясидаги тарихий қатламлар, антропонимияда тилларнинг ўзаро таъсири, универсал нарсалар. Назарий антропонимика бошқа ономастика бўлимлари сингари тадқиқот усулларидан фойдаланади (одамларни номлашнинг махсус шартлари, мотивлари ва ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда – ижтимоий шароит, урф-одатлар, диннинг таъсирини ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда).

Амалий антропонимика эса антропонимларни амалий жиҳатдан ўрғанади. Амалий антропонимика, асосан, ҳар бир халқда антропонимик луғатлар яратиш, тўғри исм қўйиш одатлари, тартиботларини тарғиб қилиш ва амалда қўллаш, ҳар бир халқ ўзининг тил қонун-қоидалари асосида антропонимларнинг имлоси, ёзилишини тартибга солиш масалалари билан шуғулланади.

Тарихий антропонимия тарихий атоқли отлар мажмуи, *тарихий антропонимлар* эса ўтмишдаги киши исмларидар. Шундай экан тарихий ономастика ва тарихий антропонимика, тарихий антропонимия, тарихий антропонимларнинг ўрганиш ва текшириш объекти ва уларнинг таркибий қисмлари ва маънолари, фарқли белги хусусиятларини белгилаш ғоятда муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи боби “Темурнома” асаридаги антропонимик бирликларнинг таснифи ва лексик-семантик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда “Темурнома”да антропонимларнинг таснифи, лексик-семантик хусусиятлари, тахаллус ва лақабларнинг лисоний хусусиятлари келтирилган.

Темурийлар даври тарихига бағишланган “Темурнома” асаридаги антропонимларнинг тил луғат тизимидаги ўрни, уларнинг таснифи, лексик-семантик хусусиятларини тил илми нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихий-бадий матнда ҳар қандай бирлик аҳамиятли, уларнинг барчаси ҳам объектив мазмун, ҳам бадий мазмуннинг ифодаланишида у ёки бу тарзда иштирак этади. Бу ўринда антропонимлар доирасида ўрганилувчи исмларнинг тарихий асар матнидаги ўрни ва юзага чиқадиган маъноси билан боғлиқ масалага бир қадар тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Исмларнинг асосий лисоний-коммуникатив вазифаси ҳар бир шахсни яққалаб аташ орқали уни бошқа шахслардан фарқлаш, ажратишга хизмат қилишдан иборат. Эътибор бериб қаралса, ҳеч бир исм шунчаки танланиб болага қўйилмайди. Ҳар қандай исм берилиши замирида ота-оналарнинг бирор мақсад, орзу-умидлари, фарзандининг соғлиги, келажаги, истиқболини

¹¹ Дейл Карнеги. Энг сара асарлари (рус тилидан таржимаси). – Тошкент: Бух Медиа нашр, 2020. – Б.107.

¹² Азбука – христианства. Сост. Удовенко А. – М.: Наука, 1997. – С.88.

¹³ Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С.36.

¹⁴ Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 11.

кўзлаган эзгу ниятлар ётади. Мана шу ниятлар болага исм танлаш ва бериш учун асос (мотив) вазифасини ўтайди¹⁵.

Дархақиқат, “Темурнома” асаридаги антропонимик бирликлар темурийлар даври тилида сўзлашган халқнинг миллий ўзлиги, тарихи, маданияти, урф-одатлари билан дахлдор жиҳатларни намоён этувчи бирликлар ҳисобланади.

“Темурнома” асаридаги антропонимик бирликларнинг қайси сулолага мансублигига кўра қуйидагича тасниф қилинди:

1. Темурийларнинг исмлари.
2. Муғул ва турли ҳукмдорларнинг исмлари.
3. Амир Темур амирлари ва сафдошларининг исмлари.
4. Пайғамбарларнинг исмлари.
5. Фаришталар номлари.
6. Ижодкорлар ва диний уламоларнинг исмлари.
7. Хотин-қизлар исмлари.

Бугунги мустақиллик даври ўзбек тилшунослигида темурийлар даври антропонимлари, хусусан, темурийлар сулоласи, Амир Темур ва унинг авлоду аждодлари, даврдошлари исмларининг мажмуаси, исм қўйиш одатлари, бундай исмларнинг маънолари, лексик-семантик хусусиятлари, номланиш тамойилларини лингвистик жиҳатдан тадқиқ этиш, ўша давр тили, тарихи, маданияти, маънавияти тўғрисида қимматли маълумотлар бериши шубҳасиз. Масалан:

Темурийлар исмлари:

Амир Темур ибн Тўрағай [а. + ўз.] – амир – ҳоким, ҳукмрон, йўл-бошчи; темир – темирдек мустаҳкам, маҳкам, яъни бало-казоларга бардошли, умри узок бола. Ибн Тўрағай – Тўрағайнинг ўғли демак.

Темир лексемаси туркий ёдгорликларда қадимдан “металл” маъносида қўлланилган (ДЛТ-1, 342). Айни вақтда у “мустаҳкам”, “қаттиқ” маъноларини англатган. Болага исм танлаётганида “темир”нинг иккинчи маъноси ҳисобга олинган.

Н. Хусановнинг аниқлашича, Темур муғул тилида ҳам XIII асрдаёқ исм сифатида қўлланилган (ТУТ-210). Туркий ёдгорликларда эса Темур исм сифатида XIV асрдан бошлаб учрайди. Туркий ёдгорликларнинг кўпчилигида Темурбек тарзида учрашига яна бир сабаб “бек” туркийча эканлигидир.

Қуйида темир лексемаси ва соҳибқирон исмлари қайд этилган манбаларга мурожаат қилайлик:

1. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида *Амир Темур*: Жаҳонгушо ҳазрат Амир Темурнинг муборак тарихи бошланиши, *соҳибқирон Амир Темур Қўрагон*: Бу даъвонинг шоҳиди ва бу маънонинг нишони адолатли, энг қимматли улуғ амир, яъни даргоҳи илоҳийга мансуб бандаларнинг сараси ва меҳрибон Аллоҳнинг (ердаги) сояси, давлат эгаси, дину дунё кутби,

¹⁵ Бегматов Э. Исмларнинг сирли олами. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 3.

соҳибқирон Амир Темур Қўрагоннинг вужуди шарифларидир. *Амир соҳибқирон*: Қорачор нўён Амир соҳибқироннинг улуғвор бобоси эди¹⁶.

2. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида муаллифнинг ёзилишича: “*Ҳазрат Соҳибқирон*” ва *Амир Темур* тарзида қўлланган: “Воқеалар ҳикоятини ёзиб маълум қилиш асносида шаҳзодалар, яъни ҳазрат (*Амир Темур*) соҳибқироннинг жаҳондор фарзандлари шухратли исмларини зикр қилишга эҳтиёж тушиб туради, агар шунда шакардек ширин рақам қаламнинг тили ҳар гал ҳам исм-лақабларнинг лаззат эшигини очиш билан камёб бўла берса, бу ҳар қалай, гапнинг узайиб кетишини таказо этади. Шунинг учун гавҳарсифат безак берувчи қалам билан қарор қилиндики, у улуғ амир, яъни жаҳонгирлик таянчиги *Темур* номини таъбир қилинмоқчи бўлган ўринда, чунончи, дафтар биринчи жилдида акс эттирилгани каби, “*Ҳазрат Соҳибқирон*” келтирганмиз”¹⁷.

3. Салоҳиддин Тошқандийнинг “Амир Темур Қўрагон жангномаси” асарида соҳибқироннинг исми *Амир Темур Қўрагон*, *Амир Темур*, *Темур* тарзида қўлланган: “Амир Соҳибқирони Искандари соний беклар беги, хонларнинг хони, султони рубъи маскун хону ҳокон ибнаи, яъни исми обо ва аждодлари Амир Темур ибн Тўрағай баҳодур. Салоҳиддин Тошқандий “Темурнома”да соҳибқирон тилидан унинг исми талқинида қуйидаги мисраларда келтиради:

*Фалак манга қўйиши ушбу қаттиг от,
Амири Темурдир, темурдир қанот.
Яратган қўлиман, Расул, онам,
Бўлуб уммат анга алайҳис салом*¹⁸.

4. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида буюк соҳибқироннинг исми Темурбек тарзида бир неча бор қайд қилинган¹⁹ 43-саҳифада *Темурбекдан бурун Темурбекдек* улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур, деб ёзган.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, XIV-XIX аср манбаларида соҳибқироннинг исми асосан уч хил тарзда такрор-такрор қўлланилган: *Темур*, *Темурбек*, *Амир Темур*, Салоҳиддин Тошқандийнинг “Темурнома”сида *Амир Темур* шаклида битилган. *Темурбек*, *Темур* лексемаси асарда исм сифатида учрамайди. Соҳибқирон исмининг уч хил тарзда қайд қилиниши нолисоний омиллар билан боғлиқ. Лисоний омил шуки, Темур лексемаси-бириамчи, исм учун асос бўлган. *Бек*, *амир* лексемаси Темур

¹⁶ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Ю.Ҳакимжонов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 20, 21, 25..

¹⁷ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, иккинчи ва учинчи қисмлар. 1429-1470 йиллар воқеалари. Форс тилидан А.Ўринбоев таржимаси. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 57.

¹⁸ Салоҳиддин Тошқандий. Темурнома (Амир Темур Қўрагон жангномаси). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, лугат муаллифи П.Равшанов. – Тошкент: “Чўлпон”, 1990. – Б. 35, 102.

¹⁹ Заҳриддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 9, 12, 34, 36, 43, 44, 47, 87, 111, 130, 146, 147, 151, 178, 205.

исмига турли ижтимоий, снѣсий, маърифий, рухий, этнологик омиллар таказоси сифатида кўшилган.

Мухаммад Жаҳонгир Мирзо Амир Темурнинг тўнғич ўғли. Жаҳонгир асли форсча исм бўлиб, “оламини фатх этувчи, музаффар” маъносини англатади. Исми таркибидаги Мирзо қисми эса амирнинг ўғли, аслизодаларга мансубликни билдиради.

Музул ва турли ҳукмдорларнинг исмлари:

Абдулазизхон [а.+ўз.] – иззат ва эъзоз соҳибининг, яъни Аллоҳнинг кули; хон – подшоҳ, ҳукмдор, ҳоким, яъни улғайиб улуг мартабалар соҳиби, элбоши. Убайдуллахоннинг ўғли (СТТ-37).

Амир Темур амирлари ва сафдошларининг номлари:

Абу Муслим қассоб[а.] – ислом динига бўйсунган, мусулмон; художўй. Амир Темурнинг тенгқурларидан бири бўлган – (СТТ-199-200).

Ижодкорлар ва диний уламоларнинг исмлари:

Абдулрахмон ʻТрут [а.+ўз.] – ўта меҳрибон ва меҳрлининг кули, яъни аллоҳнинг кули. Мулла бўлган (СТТ-260).

Абу Лайс Шайх [а.] – арслон, шер: кучли, қудратли. ʻЗ даврининг таниқли шайхи (СТТ-170).

Хотин-қизлар исмлари:

Дилшод хотун [ўз.+ф.] – қувноқ, бахтиёр, шодон ёки қўнглимизнинг қувончи бўлган фарзанд. Амир Хусайннинг хотини. 1370 йилда Амир Хусайн қатлидан кейин Амир Темур кўрсатмасига биноан Зиндачашмга никоҳлаб берилади (СТТ-50).

Қисқаси, Темурий шаҳзодалар исми семантикасида шу маълум бўлдики, улар исми таркибида, албатта, аслизода, хон авлоди эканликларини ифодаловчи антропонимик индикаторлар мавжуд.

Ўзбек тили тарихий антропонимиясининг таркибий қисмларидан бирини лақаблар ташкил қилади. Тил тарихидан маълумки, тилимиздаги айрим белги-хусусият билдирувчи сўзлар инсонларнинг маълум бир хатти-ҳаракати, характериға нисбатан қўлланади ва бундай сўзлар бора-бора лақаб мақомига ўтади. Халқ тилида кишиларға лақаб қўйиш кенг тарқалган.

Тилшунослиқда тадқиқотчиларнинг лақаблар юзасидан билдирган турли фикрларини кузатиш мумкин. Жумладан, М.Н. Чобанов лақабға шундай таъриф беради: Лақаб – бу норасмий қўшимча ном бўлиб, жамиятда бир кишини иккинчисидан фарқлашға хизмат қилади²⁰.

Э. Бегматов лақабға турли муаллифлар берган изоҳларни умумлаштириб, лақабни таърифлашда қуйидаги саккизта хусусиятларни ҳисобга олинишини таъкидлайди: 1. Лақаб ҳам шахс номидир, у кишининг исмиға тиркалади. 2. Лақаб шахсға қўйиладиған қўшимча номдир. 3. Лақаб тахаллус, фамилия, титул маъноларини ҳам англатади. 4. Лақаб атоқли от. Шунинг учун ҳам антропонимия бирлиги ҳисобланади. 5. Лақаб ўз эгасининг бирор жисмоний фазилати ёки нуқси, ақлий истеъдоди ва касби, одамлар орасида ўзини

тутиши, бирор ижобий ёки ғайритабиий ҳаракатиға ишора қилади. 6. Лақаб исми каби қадимийдир. 7. Лақаб шахсға ҳазил-мутойиба қилиб берилган номдир. 8. Лақаб шахснинг норасмий номидир. У қўпроқ халқ тилида, лаҳжа ва шевада яшайди. Кўпгина лақабларнинг мотиватив асоси қўпроқ тор доирада маълум бўлади. Лақаб фамилия ва ота исми удулм бўлгунға қадар улар вазифасини бажарган²¹.

Лақаблар функционал хусусиятиға кўра антропонимға яқин туради ва кўп ҳолда улар билан бирға қўлланилади. Лақаблар ҳозирги даврдигдек фамилия ва отаисмлар удулм бўлмаган даврларда ўша номлар ўрнини босган. Бир хил исмли шахсларни ўзаро фарқлашда лақаблар, айниқса, кўл келган. Авваллари номинатив вазифа бажарган лақаблар аста-секин услубий вазифа бажаришға ўта бошлаган.

Ўзбек тилшунослиғида лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари М. Рашидова томонидан махсус тадқиқ қилинган²².

Салоҳиддин Тошкандий “Темурнома”да Амир Темурнинг қўлаб кишиларға лақаб қўйганлигини келтиради. Амир Темур қўйган лақаблардан ташқари асарда бошқа лақаблар ҳам учрайди. Масалан:

Девонажон Жонбозлиқ. Сеистонлик бўлиб, асли исми Девонажон бўлган. Амир Темур унға Жонбозлиқ лақабини берган. Амир Темур уни миршаб боши лавозимигача кўтарган. *Бир кеча ётуб тушум ора кўрдум бир зотни, расул алайҳис салом хизматларида турур, шул жиҳатдин Амрға эксонбозлиқ қилдим, Оллоға ҳамд, ул зот сизни ўзингиз, эмди ўнғумда кўрдум деди. Андин сўнғ ул қаландарға “Жонбозлиқ” лақабин қўйдилар. Ул кеча Амир Соҳибқирон кўрғони ичра сипоҳлар билан кириб, тахт узра қарор олдилар. Ул қаландар ҳар ишға етуқ қўб усто киши эрди, они ўз қаламравига миршаб боши қилди* (СТТ-180).

Маълумки, тил ва адабиёт олами анча мураккаб ранг-баранг олам. Ана шу олам ичида тахаллуслар деган масала ҳам бор. Тахаллус араб тилиға тегишли калима. Бу сўз адабиётшунослиқ илми атамаларидан бири саналади. Тахаллус бадий, тарихий, диний, фалсафий ёки бошқа тур асарлар яратувчи шахслар фаолияти билан боғлиқ.

Тахаллус анча қадимий анъанаға эға. Узоқ ўтмишда ҳам ижодкорлар тахаллус танлашган. Тахаллус танлашда турли мақсадларни кўзда тутишган. Ўзига яхши, маъноси ҳаммага маъқул сўзларни танлаб, шу сўз замиридаги мазмунни, маънони оқлаш учун интиланлар.

Тил тарихида тахаллус маъноси лақаб сўзи билан ҳам ифодаланган. Лақаб – [а. لُقَب – иккинчи ном; лақаб; тахаллус] 1. Бирор хусусиятиға кўра кишиға ҳазил қилиб ёки масхаралаб берилган қўшимча ном, шунингдек, маълум мақсадда ўзгартириб олинган ном. 2. эск. айн. тахаллус. 3. эск. айн. фамилия. 4. Ҳайвонларға қўйилган ном²³.

²¹ Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент, 2013. – Б. 51-52.

²² Рашидова М. Ўзбек тилидаги лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. – Тошкент: Иқтисод-молчи, 2008. – Б.120.

²³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-изд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 492.

²⁰ Чобанов М.Н. Основы азербайджанской антропонимии: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Баку, 1992. – С.28.

Тахаллус сўзи асли ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, “ўзини ўзи кутқариш, озод қилиш, халос бўлиш” маъноларини билдиради, ономастикада антропонимик бирликни ифодаловчи термин сифатида қўлланади.

“Темурнома”даги тахаллусларнинг грамматик тузилиши, ясашида умумийлик мавжуд. Умумийлик шундаки, туғилган ёки яшаган шахри номига -ий қўшимчасини қўшиб нисбат ясашган ва уни тахаллус вазифасида қўллашган. “Темурнома”даги мисолларга мурожаат қиламиз.

Хожа Ҳофиз Шерозий. Амир Темур даврдошларидан бири. Яна аҳли фузалодин Ғулом Жўржоний Алламои Тафтазоний ва мулло Котибий ва хожам Баҳовуддин ва Хожа Ҳофиз Шерозий ва неча валлар зикр айтиб ва хатми Каломуллога машғул эрдилар. Барча Амир Соҳибқирон давлат ва нусларин тангри иззи жалдин тилар эрдилар (СТТ-269).

Тахаллуслар тиллар ва халқлар ҳамкорлигини кўрсатувчи лисоний далилдир. Ўзбек халқини форс-тожик ва араблар билан ҳамкорлиги тахаллусларда ҳам акс этган. “Темурнома” матнидаги тахаллусларда арабий сўзлар, форсча сўзлар ва қўшимчалар кўпроқ учрайди. Шоирларнинг аксарияти тахаллус билан ижод қилишган ва тахаллус билан машҳур бўлишган.

